



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРИ ДАВРИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ҒАОЛИЯТИНИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

Аманов Аброржон Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Малака ошириш институти  
профессори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19330450>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 21-mart 2026 yil  
Ma'qullandi: 25-mart 2026 yil  
Nashr qilindi: 30-mart 2026 yil

### KEYWORDS

Янги Ўзбекистон, ислохотлар,  
ҳуқуқбузарликлар профилактикаси,  
ғаолият, ҳуқуқий асослар,  
такомиллаштириш.

### ABSTRACT

*Мақолада Янги Ўзбекистон ислохотлари даврида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ғаолиятини ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштирилиши хусусида фикр юритилиб, мазкур ғаолиятни янада самарали ташкил этишга оид таклифлар ҳамда тавсиялар билдирилган.*

Юртимизда бугунги кунда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мулкини турли ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ўзига хос ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, мазкур тизим ижтимоий ҳаёт ривожланишига мутаносиб тарзда такомиллаштирилиб борилмоқда, десак муболаға бўлмайди. Бошқача айтганда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ғаолиятини тартибга солувчи ва белгилаб берувчи норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар ўзига хос тарзда такомиллаштирилиб келинмоқда.

Жумладан, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, мустақиллик йилларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ғаолиятини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва ушбу йўналишдаги ишлар бугун ҳам мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини янада самарали таъминлаш мақсадида изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»<sup>1</sup>ги Қонунининг қабул қилиниши ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мақсади ва вазифаларини белгилаб олишда ўзига хос аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, қонуннинг 4-моддасида Ички ишлар органлари ғаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш эканлиги белгилаб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 16-сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

берилган бўлса, қонуннинг 15-моддасида ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг асосий таркибий тузилмаларидан бири бўлмиш ички ишлар органларининг таянч пунктлари туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган ҳамда қишлоқларда, овулларда ва маҳаллаларда жамоат тартиби сақланишини, фуқаролар хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, жиноятчиликка қарши курашишни бевосита таъминлайдиган асосий қуйи бўғини эканлиги алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий асосларига оид ислоҳатларнинг янги босқичига, яъни, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлашга қаратилган қатор норматив – ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиси тўғрисида»<sup>2</sup>ги Фармони асосида қабул қилинган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» асос бўлди, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>3</sup>ги Қарорини алоҳида эътироф этиш лозим. Сабаби мазкур қарор ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳамкорлигини такомиллаштиришга ҳамда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда янада самарали тизим яратилишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>4</sup>ги Фармони эса, том маънода ички ишлар органларининг, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, такомиллаштириш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб вазифаларини белгилаб берди. Ушбу Фармонга биноан, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашлари томонидан ҳар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси ички

<sup>2</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-son «O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategisi to'g'risida»gi Farmoni // O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi - <http://Lex.uz>.

<sup>3</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 14-martdagi «Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jinoyatchilikka qarshi kurashish tizimini yanada takomillastirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-2833-sonli Qarori // O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi - <http://Lex.uz>.

<sup>4</sup> O'zbekiston Respublikasining Prezidentining 2017-yil 10-apreldagi «Ichki ishlar organlarining faoliyati samaradorligini tubdan oshirish, jamoat tartibini, fuqarolar huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilishni ta'minlashda ularning mas'uliyatini kuchaytirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PF-5005-son Farmoni // O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi - <http://Lex.uz>.

ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботлари, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан ҳар чоракда туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларининг ҳисоботлари ҳамда ҳар ойда уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича ўринбосарларининг ҳисоботлари эшитиладиган тартиб белгиланиб, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари эшитиляётганда улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши юзасидан кўриляётган чоралар ва ишлар натижаси танқидий муҳокама қилиниши, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилиши, шунингдек, эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилиниши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>5</sup>ги Қарорининг қабул қилиниши ҳам ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда уларни бошқаришни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>6</sup>ги Қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида»<sup>6</sup>ги низом билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш ҳуқуқий жihatдан янада мустаҳкамланди. Хусусан, ушбу ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойatchиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>7</sup>ги Фармони ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини амалга оширишга оид нормалар янада мустаҳкамланишига ўзининг ҳиссасини қўшмоқда. Жумладан, мазкур Фармонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жинойatchиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

<sup>6</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 18-apreldagi «Ichki ishlar organlarining huquqbuzarliklar profilaktikasi bo'linmalari faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-2896-son Qarori bilan tasdiqlangan «Ichki ishlar organlari tayanch punkti to'g'risida»gi Nizom // O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi - <http://Lex.uz>.

<sup>7</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 26-martda qabul qilingan «Jamoat xavfsizligini ta'minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasida ichki ishlar organlari faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PF-6196-son Farmoni // O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi - <http://Lex.uz>.

таъминлашда ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари қайд этилиб, ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилиши белгилаб берилди ҳамда маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қўйи бўғини ҳисобланиши;

маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилиши;

маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланиши белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>8</sup>ги Фармони ҳам бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий мақоми янада такомиллаштирилиши ва мустаҳкамланишида ҳамда аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жамиятимизда қонунга итоаткорлик ҳамда жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришда ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш мақсадида 2025 йил 3 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>9</sup> ПҚ-1-сон Қарори қабул қилинди. Хусусан, мазкур қабул қилинган қарорлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини амалга оширишда ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга, амалга оширилаётган ислохотлар даврида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳукумат қарорларини тизимлаштириш тўғрисида»<sup>10</sup>ги 754-сон Қарори қабул қилиниб, унинг 2-иловасида «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. ушбу Низом «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда

<sup>8</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 29-noyabrda «O'zbekiston Respublikasi jamoat xavfsizligi konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PF-27-son Farmoni // O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi - <http://Lex.uz>.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-1-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳукумат қарорларини тизимлаштириш тўғрисида»ги 754-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишда маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори, шунингдек, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилаб берди.

Юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1-сон [қарори](#) ижроси натижасида маҳаллаларда жиноятчиликни қарийб 1,5 бараварга камайтиришга эришилганини инобатга олган ҳолда, шунингдек, мазкур йўналишда яхлит ишлаш тизимини жорий этиш ҳамда масъул раҳбарларнинг вазифаларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>11</sup> ПҚ-1-сон Қарори қабул қилинди.

Айтиш мумкинки, амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида қабул қилинган Фармон ва Қарорлар натижасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти йўналишида самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда юртимизда ҳуқуқбузарликлар профиликтикаси фаолияти аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтириш, халқимиз ҳаёт тарзи, маънавияти, қадриятлари ва менталитетига тўлиқ мос келадиган турмуш тарзини яратиш мақсадида ташкил этилиб келинмоқда. Лекин, жамият ҳар доим ривожланишда бўлганидек, ҳуқуқбузарликлар ҳам ривожланиб, мураккаблашиб ва такомиллашиб бормоқда. Шунинг учун ҳам, доимий тарзда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ва ҳуқуқбузарликларга қарши самарали курашиш бугунги даврнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу боисдан ҳам ҳуқуқбузарликлар профиликтикаси фаолиятига доир ишлар самарадорлигини янги босқичга олиб чиқиш бугун замон талабидир. Бошқача айтганда, ҳуқуқбузарликлар профиликтикаси фаолияти жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини бартараф этишда қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб, фаолиятнинг шакл ва усулларида ҳамда хизмат ваколатларидан самарали фойдаланган ҳолда амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир. Яъни, ҳуқуқбузарликлар профиликтикаси хизматлари фаолияти самарадорлигини ошириш учун қуйидаги ишларни доимий тарзда амалга оширишлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

*биринчидан*, маъмурий ҳудудлардаги криминоген вазиятни чуқур ўрганиб уларни таҳлил этиш, ҳуқуқбузарлик ва ҳодисаларни тизимли қайд этиш ва профилактик фаолиятни ташкил этишга оид зарур ахборотларни тўплаш ҳамда келгусида шу каби ҳолатлар содир этилишини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш (бунинг

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-1-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

учун ҳар бир ҳудуддаги криминоген вазиятни чуқур таҳлил этган ҳолда ҳуқуқбузарликлар оид зарур ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш ҳамда келгусида шу каби ҳолатлар содир этилишини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқувчи бўлим ва гуруҳлар фаолиятини кенг йўлга қўйиш лозим);

*иккинчидан*, маъмурий ҳудудларда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида изчил профилактик тадбирлар амалга оширилишини ташкил қилиш, яъни, ёшларни ишга жойлаштириш, вояга етмаганлар ва ёшларни ўқиш ҳамда ишдан бўш вақтларини мазмунли ўтишини ташкил қилиш тадбирларини амалга ошириш, хусусан, уларни хунар ўрганиш, янги билим эгаллаш, ўз устида ишлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларидан мақсадли фойдаланиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга ундаш орқали уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун таълим муассасалари билан ҳамкорликда шарт-шароитлар яратиш;

*учинчидан*, олий таълим муассасаларида мазкур муассасалар жамоаси билан ҳамкорликда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халқ манфаатлари учун хизмат қилиш туйғуси билан яшайдиган баркамол авлод сифатида тарбиялашга қаратилган талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш;

*тўртинчидан*, спортни қадрият сифатида ривожлантириш, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва мазкур тадбирларни кенг жамоатчилик, яъни фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда амалга ошириш;

*бешинчидан*, аҳолини қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятидан хабардорлигини, яъни, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш, уларда соғлом турмуш тарзига риоя этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, гендер тенглиги, тинчликпарварлик ва миллатлараро тотувлик, виждон эркинлиги, барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ҳамда анъаналарини ҳурмат қилиш каби умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий-ахлоқий қадриятларни камол топтириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаолликни ҳамда мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантиришда фуқаролик жамияти институтлари билан фаол ҳамкорликни амалга ошириш;

*олтинчидан*, аҳолини турли ахборот хуружлари ёки ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишлари ва улар томонидан ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилиши ҳолатларини олдини олиш ҳамда ватанмиз истиқболи йўлида бирлаштириш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда таълим-тарбиянинг таъсирчан усуллари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, улар учун маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда уларнинг қизиқишларини эътиборга олиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

*еттинчидан*, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда профилактик ҳисобга олинганлар, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар ва муқаддам судланган шахслар билан тизимли профилактик ишларни олиб бориш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ишга жойлаштиришларида амалий ёрдам кўрсатиш;

*саккизинчидан*, бошқа давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг яшаш шароитини яхшилаш, ижтимоий кескинликни юмшатиш ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини бартараф этишнинг асосий шarti сифатида уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликларини ривожлантиришда кўмаклашиш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва умуман, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ҳамда содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг асосий вазифалари ҳисобланади ва мазкур вазифалар жамият ижтимоий ҳаётида нормал, тинч ва осуда ҳаётий мезонлар таъминланишида муҳим аҳамият касб этади.

